

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

*Хайдаров Одил Эргашевич*

*Дин ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги  
Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва  
қайта тайёрлаш институтининг*

*«Ижтимоий ва мутахассислик фанлари» кафедраси*

*(PhD) катта ўқитувчиси*

[\*hajdarovodil188@gmail.com\*](mailto:hajdarovodil188@gmail.com)

*+998 91 582 30 29*

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг тинч тараққиёт йўлига ўтиш жараёнлари ёритилган. Хусусан, саноат соҳасида юз берган ўзгаришлар, эришилган натижалар, йўқотилган имкониятлар, ишлаб чиқариш тармоқларининг чекланган жиҳатлари ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тарихий далиллар асосида таҳлил этилган.*

***Калим сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги давр, тинч тараққиёт, саноат тармоқлари, иқтисодий сиёсат, директив ҳужжатлар, давлат режалари, моддий-техника таъминоти, иқтисодий тикланиш, ишлаб чиқариш.*

### ABSTRACT

*This article scientifically examines the process of transition of the economy of Uzbekistan to peaceful development in the post–Second World War period. In particular, the study analyzes structural changes in the industrial sector, achieved economic results, missed opportunities, and the limited characteristics of industrial production, as well as their underlying causes and socio-economic consequences based on historical sources and factual evidence.*

***Keywords:** Second World War, post-war period, peaceful development, industrial sectors, economic policy, directive documents, state plans, material and technical supply, economic recovery, industrial production.*

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье в научном аспекте исследуются процессы перехода экономики Узбекистана к мирному развитию в послевоенный период после окончания Второй мировой войны. В частности, на основе исторических источников и документальных материалов анализируются структурные*

*изменения в промышленной сфере, достигнутые экономические результаты, упущенные возможности, ограниченные особенности производственных отраслей, а также причины их возникновения и социально-экономические последствия.*

**Ключевые слова:** *Вторая мировая война, послевоенный период, мирное развитие, отрасли промышленности, экономическая политика, директивные документы, государственные планы, материально-техническое обеспечение, экономическое восстановление, промышленное производство.*

## **КИРИШ (INTRODUCTION)**

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг йирик ва ҳалокатли урушлардан бири бўлиб, у нафақат жаҳон сиёсий харитасида, балки иқтисодий тизимларда ҳам чуқур ўзгаришларни келтириб чиқарди. Уруш тугаганидан сўнг кўплаб давлатлар каби Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодиётини тинч тараққиёт йўлига ўтказиш, вайрон бўлган тармоқларни тиклаш ва ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш вазифаси билан юзма-юз келди.

Уруш йилларида республика иқтисодиёти, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳарбий эҳтиёжларга мослаштирилган ҳолда фаолият юритди. Бу эса кейинчалик иқтисодий тизимни қайта ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини тинч ҳаёт талабларига мослаштириш заруратини юзага келтирди. Урушдан кейинги даврда иқтисодий сиёсат асосан марказлашган режалаштириш тизими орқали амалга оширилиб, директив ҳужжатлар ва давлат режалари асосида ривожлантирилди.

Мазкур мақолада Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг тикланиш жараёнлари, саноат тармоқларидаги ўзгаришлар, иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари тарихий манбалар асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, иқтисодиётнинг тикланиш жараёнида учраган муаммолар, чекловлар ва бой берилган имкониятлар ҳам ёритилади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (LITERATURE REVIEW)**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг тикланиш жараёнларини таҳлили жараёнида ўзбек ва хориж олимлари китоб ва илмий мақолаларидан фойдаланилди. Н.А.Муҳитдиновнинг “Кремлда ўтган йилларим”, Р.Х.Аминовнинг “Аграрная политика Советской власти и ее фальсификаторы”, Р.Ризаевнинг “Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана”, А.Д.Джуракуловнинг “Разивитие газовой промышленности

Узбекистана”, С.К.Зиядуллаев, И.Малюхинларнинг “Социалистическая промышленность Советского Узбекистана” китоб ва илмий мақолалари манба сифатида таҳлил этилган.

## НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг тикланиш жараёнларини ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, ушбу давр республика иқтисодий ҳаётида муҳим тикланиш босқичи бўлиб хизмат қилган. Урушдан кейинги йилларда иқтисодиётнинг асосий тармоқлари - саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич тикланиш ишлари амалга оширилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиётни қайта тиклаш жараёнлари асосан марказлашган режалаштириш тизими ва директив ҳужжатлар асосида олиб борилган бўлиб, бу ҳолат республика иқтисодий сиёсатининг мустақил шаклланиш имкониятларини чеклаган.

Шу билан бирга, урушдан кейинги даврда саноат соҳасида сезиларли ютуқларга эришилган. Янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши, энергетика тизимининг ривожланиши, нефть-газ соҳасидаги ўсиш ҳамда енгил саноатнинг кенгайиши иқтисодий тикланишнинг амалий натижаларини намоён этган.

Бироқ, ушбу ютуқлар билан бир қаторда иқтисодиётда бир қатор муаммолар ҳам сақланиб қолган. Хусусан, иқтисодиётнинг хомашё йўналишида ривожланиши устувор бўлиб қолгани, қайта ишловчи саноатнинг етарли даражада ривожланмагани ва иқтисодий тармоқлар ўртасида номутаносибликларнинг мавжудлиги кузатилган.

Шунингдек, иқтисодий режалаштириш жараёнларида республика аҳолисининг миллий хусусиятлари, табиий-географик шароитлари ва реал иқтисодий эҳтиёжлари тўлиқ инобатга олинмаган. Бу эса иқтисодий ривожланишнинг бир томонлама тус олишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, мазкур давр Ўзбекистон иқтисодиёти учун бир томондан тикланиш ва саноатлашув жараёнлари кучайган босқич бўлса, иккинчи томондан марказлашган бошқарув тизимининг чекловлари ва номутаносиб ривожланиш тенденциялари билан характерланади.

## МУҲОКАМА (DISCUSSION)

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон фронтнинг йирик арсеналига айланди. Ўзбек халқи ўзининг фронт ва фронт ортидаги машаққатли

меҳнати билан ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. “Тарчи бу ғалаба бизга ниҳоятда қимматга тушган, унда миллионлаб кишиларимиз қурбон бўлган, минглаб шаҳарлар районлар вайрон этилган бўлсада, кишиларнинг қувончи ичига сиғмасди. Моддий йўқотишлар астрономик рақамлар билан ўлчанарди. Одамларнинг оч-наҳорлиги, маиший, турар-жой, коммунал шарт шaroитларнинг оғирлиги, узоқ давом этган, ақл бовар қилмас жисмоний ва ақлий зўриқиш ҳар жабҳада билиниб турарди, маънавий ахлоқий жабҳага етказилган улкан зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмасди”<sup>1</sup>. Ана шундай шароитда республика раҳбарияти ва халқининг олдида вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, ишлаб чиқаришни тинчлик даври ҳолатига кўчириш, одамларнинг турмушини яхшилаш, карточка тизимини бекор қилиш, эркин савдони йўлга қўйиш пулнинг қадрини ошириш, моддий неъматлар етиштиришни кўпайтириш, турар-жойлар қурилишини кенгайтириш каби долзарб вазифалар турарди.

Маъмурий буйруқбозлик тизими тарафдорлари урушда қозонилган ғалабага ишни ташкил этишни қаттиқ марказлаштириш ва бошқарувнинг маъмурий тартиблари орқали эришилди, деб қарарди. Шу сабабдан ҳам бошқарувнинг буйруқбозлик тизимига қаттиқ амал қиларди. Бундай шароитда иттифоқдош республикалар ривожланишига эркинлик беришни ўйламаса ҳам бўларди. Иттифоқни бошқаришнинг бутун тизими Кремль деворлари ортида ҳал этиларди. Табиийки, бундай шароитда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама чеклаб қўйилган эди. Қолаверса, иттифоқдош республикалар марказдан берилган буйруқлар ва кўрсатиладиган мурувватга кўз тикиб яшашга маҳқум этилган эди. Урушдан кейинги йиллар ҳаётининг мураккаб шарт шароитлари Иттифоқ раҳбарияти олдида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегия ва тактикасини ўзгартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўйди. Бу талаб ва эҳтиёжни халқ хўжалигини тинч давр шароитига мослаб қайта қуришнинг объектив омилларигина эмас, балки ўша йиллардаги жамиятнинг алоҳида маънавий руҳияти ҳам тақозо этарди. Шунга қарамаздан, урушдан кейинги йилларда ҳам давлат фаолияти партиянинг мустабид ҳукмронлиги билан белгиланди. Партиянинг амалиётдан узоқ буйруқ ва фармойиш беришга асосланган мустабид сиёсати энг аввало барча нарсани марказ манфаатидан келиб чиқиб ҳал қилди. Урушнинг оғир оқибатлари Ўзбекистонда ҳам ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган эди. Республика саноатини тинч даврга мослаб тиклаш жараёнида аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашга,

<sup>1</sup> Мухитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. –Б.52.

хом ашёга, шунингдек, малакали ишчи ва муҳандис-техник ходимларга эҳтиёж жиддий тарзда сезиларди. Бундай мураккаб вазифани ҳал қилиш учун эса Ўзбекистоннинг табиий-географик ҳолати, миллий анъаналари, қадриятлари халқнинг турмуш тарзи ва истакларини инобатга олиш, хуллас, халқ манфаатларидан келиб чиқиб хўжалик ҳаётини йўлга қўйиш зарур эди. Бироқ, Иттифоқ директив органлари бундай қилмади, аксинча Ўзбекистон иқтисодини тиклаш ва ривожлантиришда ҳам Марказ манфаатларидан келиб чиқиб режалар ишлаб чиқилди<sup>2</sup>.

Коммунистик партия ва Иттифоқ ҳукумати урушдан кейинги даврда иқтисодий қурилишнинг умумий стратегиясини СССР Олий Совети 1946 йил 18 мартда қабул қилган ва тасдиқлаган “СССР Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўғрисидаги қонунда баён қилиб берган эди<sup>3</sup>. Ушбу директив ҳужжатдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда урушдан кейинги қурилишнинг асосий вазифалари халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида белгилаб берилган эди<sup>4</sup>.

Ушбу беш йиллик режа Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1946 йил 30 августда бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу режада 1946 йилда республика халқ хўжалигини қайта қуришни тугаллаш ва ишлаб чиқаришни 1948 йилда урушдан илгарги даражага етказиш кўзда тутилган эди<sup>5</sup>. Бу даврда Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари хом ашё етказиб беришга ихтисослаштирилди. Беш йиллик топшириқлар дастурида пахта етиштиришнинг урушдан олдинги даражасини тиклаш ва уни янада кўпайтириш вазифасига катта эътибор берилди. Пахтачиликка республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи сифатида қаради. Шу сабабдан ҳам республика саноатини ривожлантиришда пахтачилик соҳасининг эҳтиёжлари инобатга олинди. 1945 йилнинг охирига келиб Ўзбекистондаги машинасозлик корхоналари қишлоқ хўжалиги ва ирригация эҳтиёжлари учун турли хил машина ва ускуналар ишлаб чиқаришга ўтказилди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режасида ҳам республикада саноат маҳсулотларини 52 фоизга

<sup>2</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том. II., - С. 215-227.

<sup>3</sup> Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам 1917-1957 гг. Сборник документов. В 4-х том. Госполит-издат.1957. – Ташкент. – С. 38.

<sup>4</sup> История Узбекской ССР. Под редакцией академика АН УзССР. И.М. Муминова. – Ташкент: “Фан” 1974. – С. 432

<sup>5</sup> Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том. II. 1938-1958. – Ташкент: “Узбекистан”, 1988, - С. 258.

кўпайтириш кўзда тутилган эди<sup>6</sup>. Бунда энг аввало пахтачиликни, хусусан пахта йиғим теримини комплекс механизациялашни тугаллаш каби вазифалар кўйилган эди. Жойлардаги мавжуд вазият ва имкониятларни инобатга олмасдан партокрatik тарзда кабинетларда ўтириб белгиланган бу кўрсаткичларга эришиб бўлмаслиги аниқ равшан эди. Амалда шундай бўлди ҳам ва режаларнинг аксарият қисми бажарилмай қолди. Бироқ ўзбекистонликлар хўжаликни тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида тиним билмай астойдил меҳнат қилди. Ана шундай тинимсиз меҳнат ҳамда ўша пайтда республика раҳбариятининг алоҳида фидойилиги сабабли ҳам 1946-1950 йилларда республикада 150 дан ортиқ янги саноат корхоналари куриб ишга туширилди<sup>7</sup>. Жумладан, қувватига кўра СССРда учинчи ўринда турувчи Фарҳод ГЭСининг биринчи ва иккинчи навбатлари шу даврда курилиб ишга туширилди. Бундан ташқари 1-Оққовок, 1-Бўзсув, 2-Бўзсув каби гидроэлектро станциялари курилди. 1946 йилда эса Ўзбек металлургия комбинатининг янги прокат цехи ишга туширилди. Айниқса, “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Чирчиқсельмаш”, Самарқандаги “Красный двигатель” каби заводлар пахтачилик билан боғлиқ машиналарни ишлаб чиқаришни кенгайтirdи<sup>8</sup>. 1946 йилда Ўзбекистон машина ва трактор станциялари ва совхозлар давлатдан 846 та занжирли трактор, 1074 та юк автомашинаси ва 1240 та трактор плугларини олишди<sup>9</sup>. 1949 йилнинг апрелида эса пахта териш машинасининг СХМ-48 русумли янги намунаси яратилди<sup>10</sup>. 1949 йилнинг охирига қадар республикада 600 та СХМ-48 русумдаги пахта териш машиналари ишлаб чиқарилди. Бироқ ушбу пахта териш машиналари ҳали унчалик такомиллашмаган эди. Шунга қарамай пахта териш техникаси парки йил сайин кўпайиб борди. 1950 йилга келиб Ўзбекистондаги колхоз, совхоз ва МТСларда 3,6 мингта пахта териш машинаси бор эди<sup>11</sup>. Шу даврда ёқилғи саноати ҳам бир қадар тикланди. Жумладан, Полвонтош ва Жанубий Оламушук, Мойли, Шаҳрихон, Какайди ва Лалмикор нефть конлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон нефтчилар тўртинчи беш йиллик режасини уч йилда яъни 1948 йил 10 декабрда тўлиқ адо этдилар. Йилига 1241 тонна нефть қазиб олиниб амалдаги режа 106,2 фоизга бажарилди. 1948 йилда қазиб олинган нефтни 1940 йилдаги кўрсаткичлар билан

<sup>6</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный стат. ежегодник. – Ташкент, 1987. – С. 18.

<sup>7</sup> Ўша жойда, - С. 372.

<sup>8</sup> Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти и ее фальсификаторы. – Ташкент, 1972. – С. 82.

<sup>9</sup> Қизил Ўзбекистон. 1947, 7 февраль.

<sup>10</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет Сбор. Статматериалов. – Ташкент: “Ўзбекистан”. 1975. – С. 135.

<sup>11</sup> Ризаев Р. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: 1978. – С.159.

таққослаганда шу давр оралиғида нефть қазиб олиш 1940 йилга нисбатан 9 баровар, 1945 йилга нисбатан 3 баравар кўпайди. 1950 йилга келиб 52 млн кубометр газ қазиб олинди. Шу йили газ қазиб олиш суръати 1946 йилга нисбатан 4 баравар ошди<sup>12</sup>.

Бу даврда республикада енгил саноат ҳам бир қадар ўсди. Жумладан, Фарғона ва Қўқонда янги тўқимачилик комбинатлари, Тошкент трикотажд фабрикаси, Бухоро, Самарқанд ва Наманганда ип йигириш фабрикалари қурилиб ишга туширилди<sup>13</sup>. Агар республика енгил саноат корхоналари 1941 йилда 107 млн метр ип газлама ишлаб чиқарилган бўлса, 1945 йилда 85 млн метр, 1950 йилда эса 161 млн метр ип газлама тайёрланди<sup>14</sup>. 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун 3 млрд 900 млн рубль миқдорда маблағ ажратилган бўлсада, шундан 1 млрд 266 миллиони республика ва маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланди<sup>15</sup>. Ажратилган маблағнинг каттагина қисми эса республиканинг марказга бўйсунувчи корхоналарини ривожланишига сарф этилди. Юқоридаги мисолдан ҳам марказ ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда республика иқтисодиётига маблағ ажратганлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Бу даврда республика ҳукумати ва бошқарув идораларининг ҳуқуқлари чекланган эди. Марказнинг улкан режаларида эса Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи бир қўшимча манба деб қаралди. Худди шу нарса Ўзбекистон иқтисодиётини бир томонлама ривожланишига олиб келди. Натижада хом ашёни қайта ишловчи саноат корхоналари ниҳоятда кам қурилди. Бу эса ижтимоий дастурларни амалга оширишга жиддий тарзда халақит берарди. Бундай вазиятда Республика аҳолисини иш билан таъминлаш, одамларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш жуда қийин эди. Иттифоқ директив органлари Республика томонидан Халқ хўжалигини, шу жумладан саноатни тиклаш дастурларида биринчи галда пахтачиликка тегишли индустриал ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилди. Бунда республика аҳолисининг миллий ва тарихий хусусиятлари ҳам, иқтисодий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинмади<sup>16</sup>.

<sup>12</sup> Джуракулов А.Д. Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”. 1976. – С.10.

<sup>13</sup> Зиядуллаев С.К. Малюхин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент, 1949. – С.12.

<sup>14</sup> Совет Ўзбекистони 40 йил мобайнида статистик тўплам. – Тошкент: “Ўзбекистон” 1964.- Б. 136

<sup>15</sup> Совет Ўзбекистонининг иқтисодий тарихи 1917-1965 йиллар. – Тошкент: “Фан”. 1966. –Б. 218.

<sup>16</sup> Расулов, Х. М. (2021). ВЫБОРНЫЙ ЯВЛЕНИЕ И ПРОБЛЕМА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭЛЕКТРОКУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ. Восточно-европейский научный журнал, (11-6 (75)), 28-32.

## ХУЛОСА (CONCLUSION)

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр Ўзбекистон иқтисодиёти тарихида ўта мураккаб, айти пайтда муҳим бурилиш босқичларидан бири ҳисобланади. Уруш туфайли республика иқтисодиёти катта зарар кўрди: саноат корхоналари тўлиқ қувватда ишламай қолди, қишлоқ хўжалиги инқироз ҳолатига тушди, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайди. Шу шароитда мамлакат олдида иқтисодиётни тинчлик рельсига ўтказиш, вайрон бўлган хўжаликни тиклаш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш каби ўта долзарб вазифалар турди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, урушдан кейинги тикланиш жараёнлари асосан марказлашган маъмурий-буюруқбозлик тизими доирасида амалга оширилди. Иқтисодий сиёсат ва режалаштириш ишлари иттифоқ маркази томонидан белгилаб берилган директив ҳужжатлар асосида юритилиб, республика манфаатлари кўп ҳолларда чекланган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш йўналиши асосан Марказ эҳтиёжларига, айтиқса пахтачилик ва хомашё етказиб бериш соҳасига устуворлик беришга қаратилди.

1946–1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режа асосида республикада муайян иқтисодий ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 150 дан ортиқ янги саноат корхоналарининг ишга туширилиши, энергетика тизимининг кенгайиши (Фарход ГЭСи ва бошқа гидроэлектростанциялар), нефть ва газ саноатининг ривожланиши ҳамда енгил саноат тармоқларининг барқарор ўсиши иқтисодий тикланишнинг амалий натижаларини кўрсатди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва саноат учун зарур техника ишлаб чиқариш йўналишларида ҳам маълум ютуқлар қайд этилди.

Бироқ ушбу ютуқлар билан бир қаторда жиддий тизимли муаммолар ҳам сақланиб қолди. Иқтисодиётнинг хомашё йўналишидаги ривож, қайта ишловчи саноатнинг етарлича шакланмагани, маҳаллий эҳтиёж ва имкониятларнинг ҳисобга олинмаслиги республика иқтисодий тараққиётида номутаносибликларни юзага келтирди. Бу ҳолат аҳоли бандлиги, ижтимоий инфратузилма ривож ва турмуш шароитига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Шунингдек, марказлашган режалаштириш тизими шароитида иқтисодий қарорларнинг асосан юқоридан қабул қилиниши республикада мустақил иқтисодий сиёсат юритиш имкониятларини чеклади. Натижада, Ўзбекистон асосан хомашё базаси сифатида қаралиб, унинг саноат салоҳияти тўлиқ ва мувозанатли ривожланиш имкониятига эга бўлмади.

Умуман олганда, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даври Ўзбекистон иқтисодиёти учун бир томондан индустриал асосларнинг кенгайтиши ва ишлаб чиқариш қувватларининг тикланиши билан аҳамиятли бўлса, иккинчи томондан иқтисодий ривожланишдаги чекловлар ва марказга кучли боғлиқлик билан характерланади. Ушбу даврни илмий жиҳатдан ўрганиш Ўзбекистон иқтисодий тарихидаги кейинги босқичларни тушунишда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Муҳитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 1995. –Б.52.
2. Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам 1917-1957 гг. Сборник документов. В 4-х том. Госполит-издат.1957. – Ташкент. – С. 38.
3. История Узбекской ССР. Под редакцией академика АН УзССР. И.М. Муминова. – Ташкент: “Фан” 1974. – С. 432.
4. Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Том. II. 1938-1958. – Ташкент: “Узбекистан”, 1988, - С. 258.
5. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный стат. ежегодник. – Ташкент, 1987. – С. 18.
6. Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти и ее фальсификаторы. – Ташкент, 1972. – С. 82.
7. Қизил Ўзбекистон. 1947, 7 февраль.
8. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет Сбор. Статматериалов. – Ташкент: “Узбекистан”. 1975. – С. 135.
9. Ризаев Р.Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент: 1978. – С.159.
10. Джуракулов А.Д.Развитие газовой промышленности Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”. 1976. – С.10.
11. Зиядуллаев С.К. Малюхин И. Социалистическая промышленность Советского Узбекистана. – Ташкент, 1949. – С 12.
12. Совет Ўзбекистони 40 йил мобайнида статистик тўплам. – Тошкент: “Ўзбекистон” 1964.- Б. 136.
13. Совет Ўзбекистониинг иқтисодий тарихи 1917-1965 йиллар. – Тошкент: “Фан”. 1966. –Б. 218.
14. Nabibullo o'g'li, R. M. (2023). SURXON VOHASI TOQCHI QAVMINING AN'ANAVIY TURMUSH TARZI.

15. To'Rayev, S. G. O. G. L., & Raxmonov, M. X. O. G. L. (2022). BX KARMISHEVA TADQIQOTLARIDA SURXON VOHASI YUZ URUG'LARINING ETNIK TAVSIFI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 43-51.
16. Рахмонов, М. (2023). Surxon vohasi toqchi qavmlari hududiy joylashuvining ilmiy tahlili. *История и культура центральной Азии*, 1(1), 341-344.
17. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.
18. Пардаев, Т. Р. (1998). Химизация сельского хозяйства Узбекистана в 60-е годы: состояние и проблемы.
19. Турсунов, С., Пардаев, Т., Турсунов, А., & Тоғаева, М. (2012). Ўзбекистоннинг жанубий худудларида номоддий маданият тарихи. Тошкент: "Муҳаррир".
20. Турсунов, С., Пардаев, Т., Курбанов, А., & Турсунов, Н. (2006). История и культура Узбекистана: Сурхандарьинская этнография. Национальное издательство Национальной библиотеки Узбекистана, 276.
21. Пардаев, Т. Р., & Турсунов, Ж. Н. (2019). САНОАТДА МАҲАЛЛИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ТАРИХИЙ НАЗАР. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 26.
22. Пардаев, Т. Р., & Турсунов, Ж. Н. (2019). МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 23.
23. Турсунов, С., Пардаев, Т., & Махмадиёрова, Н. (2012). Сурхондарё-этнографик макон. Т.: "Академнашр", -2012.-Б.-79.